учинчи бўлим

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ КАРОРИ

517 Тадбиркорлик субъектларини электр ва газ тармокларига фойдаланишга тайёр холда улаш тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўгрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш учун тусиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари турисида» 2015 йил 15 майдаги ПФ−4725-сон Фармонига мувофик, шунингдек тадбиркорлик субъектларини электр ва газ тармоқларига улаш тизимини янада соддалаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор килади:**

1. Қуйидагилар тадбиркорлик субъектларини электр ва газ тармоқларига улаш тизимини янада такомиллаштиришнинг асосий йуналишлари хисоблансин:

тадбиркорлик субъектларини электр ва газ тармоқларига улашда уларнинг бевосита иштирокини талаб қиладиган тартиботлар сонини тубдан қисқартириш;

техник шартларни олишдан бошлаб фойдаланишга тайёр холда электр ва газ тармоқларига уланишгача бўлган барча тартиботларни амалга ошириш ваколатларини электр ва газ таъминоти бўйича фойдаланиш ташкилотларига бериш.

2. Қуйидагилар тасдиқлансин ва 2016 йил 1 январдан бошлаб амалга киритилсин:

Тадбиркорлик субъектларини электр тармоқларига фойдаланишга тайёр ҳолда улаш тартиби тўгрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Тадбиркорлик субъектларини газ тармоқларига фойдаланишга тайёр ҳолда улаш тартиби тўгрисидаги низом 2-иловага мувофиқ.

3. Қуйидаги тартиб белгилансин, унга мувофиқ 2016 йил 1 январдан бошлаб:

тадбиркорлик субъектларини электр ва газ тармоқларига фойдаланишга тайёр холда улаш учун хужжатлар бевосита туманлар (шахарлар) хокимликлари хузуридаги тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили буйича давлат хизматлари курсатувчи ягона марказлар (кейинги уринларда «ягона дарча» марказлари деб аталади) томонидан қабул қилинади;

тадбиркорлик субъектларини электр ва газ тармоқларига фойдаланишга



тайёр ҳолда улаш ишлари электр ва газ таъминоти ташкилотлари томонидан шартнома асосида амалга оширилади;

электр ва газ таъминоти ташкилотлари тадбиркорлик субъектларини электр ва газ тармоқларига фойдаланишга тайёр холда улаш ишларини амалга оширишда лойихалаш, қурилиш-монтаж, ишга тушириш-созлаш ва режимсозлаш ишларини амалга ошириш буйича ихтисослаштирилган ташкилотларни субпудрат асосида жалб этиш хуқуқига эгадирлар;

тадбиркорлик субъектларига кейинчалик электр ва газ тармоқларига фойдаланишга тайёр қолда улаш учун магистрал тармоқларни қуриш, реконструкция ва модернизация қилиш буйича талабларни белгиловчи техник шартларни бериш тақиқланади.

4. «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти ва «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси:

Узбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қумитаси, «Давархитектқурилиш» қумитаси ва Адлия вазирлиги билан биргаликда — тадбиркорлик субъектларини электр ва газ тармоқларига фойдаланишга тайёр холда улаш буйича намунавий шартномаларни 2015 йил 1 декабргача булган муддатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар;

Узбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси билан биргаликда — ваколатли органлар ва «ягона дарча» марказлари ходимлари иштирокида тадбиркорлик субъектларини электр ва газ тармокларига фойдаланишга тайёр холда улаш юзасидан қабул қилинган нормаларни амалда куллаш даражасини оширишга йуналтирилган укув семинарлари мунтазам равишда ташкил этилишини ва утказилишини таъминласинлар;

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда — тадбиркорлик субъектларини электр ва газ тармоқларига фойдаланишга тайёр ҳолда улаш тизимини янада такомиллаштириш буйича амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмуни ҳамда якуний мақсадлари турисида тадбиркорлик субъектларининг хабардорлигини оширишга йуналтирилган чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқсинлар ва амалга оширсинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ғ.И. Ибрагимов зиммасига юклансин.

Узбекистон Республикасининг Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш., 2015 йил 2 октябрь, 280-сон



40 (696)-сон — 9 —

517-модда

Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 2 октябрдаги 280-сон қарорига 1-ИЛОВА

Тадбиркорлик субъектларини электр тармоқларига фойдаланишга тайёр холда улаш тартиби тўгрисида НИЗОМ

І. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом тадбиркорлик субъектларини электр тармоқларига фойдаланишга тайёр ҳолда улаш тартибини белгилайди.

Ушбу Низом талаблари:

белгиланган тартибда амалга ошириладиган лойиҳалашга, қурилиш-монтаж ва ишга тушириш-созлаш ишларини бажаришга ҳамда ички электр таъминотидан фойдаланишга;

тадбиркорлик субъектларини 35 кВ ва ундан юқори кучланишли электр тармоқларига белгиланган тартибда улашга;

лойиха-смета хужжатларида ташқи ва ички электр таъминоти тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш ишларини амалга ошириш назарда тутилган объектларга татбиқ этилмайди.

2. Тадбиркорлик субъектларини электр тармоқларига фойдаланишга тайёр ҳолда улаш (кейинги ўринларда фойдаланишга тайёр ҳолда улаш деб аталади) ишларнинг ҳуйидаги босҳичларидан иборат бўлади:

фойдаланишга тайёр холда улаш учун шартнома тузиш;

техник шартларни ишлаб чиқиш;

электр тармоқлари трассаларини ўтказиш (ВЛ, КЛ, ТП майдончалари) учун ер участкаси танлаш ёки уларда қушимча симлар утказиш ёки уларни реконструкция қилиш учун мавжуд электр тармоқлари конструкцияларидан фойдаланиш далолатномасини тузиш;

ташқи электр таъминоти лойиҳасини ишлаб чиқиш ва ваколатли органлар билан келишиш;

қурилиш-монтаж ва ишга тушириш-созлаш ишларини амалга ошириш; ҳисобга олиш приборини ўрнатиш;

электр таъминоти шартномасини тузиш.

3. Фойдаланишга тайёр холда улаш ишлари худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан, тадбиркорлик субъекти билан тузиладиган шартнома асосида амалга оширилади.

Фойдаланишга тайёр холда улаш ишлари қиймати шартнома асосида аниқланади ва белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилган ташқи электр таъминоти лойихасига биноан аниқлаштирилади.

4. Худудий электр тармоқлари корхонаси фойдаланишга тайёр холда улаш ишларини амалга ошириш жараёнида субпудрат асосида лойихалашни, курилиш-монтаж ва ишга тушириш-созлаш ишларини бажариш учун ихтисослаштирилган ташкилотларни жалб этиш хукуқига эга.



517-модда

II. Фойдаланишга тайёр холда улаш буйича шартномани расмийлаштириш

5. Тадбиркорлик субъектлари фойдаланишга тайёр холда улаш учун туман (шахар) тадбиркорлик субъектларига (ягона дарча) тамойили буйича давлат хизматлари курсатувчи ягона марказларга (кейинги уринларда «ягона дарча» марказлари деб аталади) қонунчиликда белгиланган шакл буйича давлат хизматлари курсатиш учун ариза билан белгиланган тартибда мурожаат қиладилар.

Аризага қуйидагилар илова қилинади:

ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шакл буйича техник шартлар олиш учун тадбиркорлик субъектининг электр қурилмасини тавсифловчи маълумотлар;

геодезия ва картография фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга булган юридик шахс томонидан бериладиган ер участкасининг M1:500 масштабдаги топографик харитаси.

Тадбиркорлик субъектидан ушбу бандда назарда тутилмаган хужжатларни талаб қилишга йул қуйилмайди.

- 6. «Ягона дарча» маркази ариза қабул қилинган кун мобайнида уни ушбу Низомнинг 5-бандида кўрсатилган хужжатларни илова қилган ҳолда ҳудудий электр тармоқлари корхонасига юборади.
- 7. Худудий электр тармоқлари корхонаси «ягона дарча» марказидан ариза тушган кундан бошлаб 5 кун мобайнида:

тадбиркорлик субъектининг электр қурилмаларини электр тармоқларига улашнинг техник имкониятини жойига борган ҳолда ўрганади;

«ягона дарча» марказига тадбиркорлик субъекти номига расмийлаштирилган фойдаланишга тайёр холда улаш бўйича шартномани беради.

8. «Ягона дарча» маркази худудий электр тармоклари корхонасидан фойдаланишга тайёр холда улаш буйича шартнома олингандан кейин 5 кун мобайнида тадбиркорлик субъекти томонидан ушбу шартнома тузилишини таъминлайди ва шартнома тарафларига бир нусхадан такдим этади;

Тадбиркорлик субъекти курсатиб утилган муддат мобайнида «ягона дарча» марказига келмаганда ёки у фойдаланишга тайёр холда улаш буйича шартнома тузишни рад этганда «ягона дарча» маркази бир кун муддатда бу тугрида худудий электр тармоклари корхонасини хабардор килади.

- 9. Фойдаланишга тайёр холда улаш буйича шартнома белгиланган тартибда тасдикланган намунавий шартнома асосида тузилади.
- 10. Фойдаланишга тайёр холда улаш буйича шартнома тузилгандан кейин тадбиркорлик субъекти (буюртмачи) худудий электр тармоқлари корхонасига (пудратчига) шартномада курсатилган миқдорда аванс туловини утказади.

Аванс тўловларининг тушиши фойдаланишга тайёр холда улаш ишларини худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан бошлаш учун асос хисобланади.



40 (696)-сон — 11 — 517-модда

III. Фойдаланишга тайёр холда улаш ишларини ташкил этиш

- 11. Худудий электр тармоқлари корхонаси техник шартлар асосида ташқи электр таъминоти лойихасини ушбу Низомнинг 3-иловасида назарда тутилган муддатларда тайёрлайди ва уни келишиш учун «Ўздавэнергоназорат» инспекциясига ёки унинг худудий бўлинмаларига, шунингдек туман (шахар) архитектура ва курилиш бўлимига (бошқармасига) юборади.
- 12. «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси ёки унинг худудий булинмалари, туман (шахар) архитектура ва қурилиш булими (бошқармаси) ташқи электр таъминоти лойихаси тушган кундан бошлаб 5 кунгача муддатда уни келишади ёки худудий электр тармоқлари корхонасига лойихани келишишнинг рад этилганини рад этишнинг асосланган сабабларини курсатган холда юборадилар.

Ташқи электр таъминоти лойиҳасини келишишни унинг мақсадга мувофик эмаслиги сабабларига кура рад этишга йул қуйилмайди.

Ташқи электр таъминоти лойиҳасини келишишни рад этиш учун асос булган сабаблар ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан бартараф этилган тақдирда лойиҳани ваколатли органлар томонидан такрорий куриб чиқиш лойиҳа олинган кундан бошлаб 3 кундан ошмайдиган муддатда амалга оширилади.

Ташқи электр таъминоти лойиҳасини ваколатли органлар томонидан келишиш тулов ундирилмасдан амалга оширилади.

- 13. Электр қурилмаларининг сўралаётган қуввати 10 кВт гачани ташкил қилган тақдирда худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан хисоб-китоб-монтаж схемаси ишлаб чиқилади, у ташқи электр таъминоти лойихаси ҳисобланади ва уни келишиш талаб қилинмайди.
- 14. Ташқи электр таъминотининг келишилган лойихаси олингандан кейин худудий электр тармоқлари корхонаси қурилиш-монтаж ишларини бажаришга киришади.

Хисобга олиш приборини ўрнатган холда курилиш-монтаж ва ишга тушириш-созлаш ишларини бажариш ушбу Низомнинг 2-иловасида назарда тутилган муддатларда амалга оширилади.

IV. Ташқи электр таъминотини фойдаланишга қабұл қилиш

- 15. Ташқи электр таъминотини фойдаланишга қабул қилиш «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси ёки унинг худудий булинмаси инспектори томонидан, тадбиркорлик субъектининг ва худудий электр тармоқлари корхонасининг вакиллари иштирокида амалга оширилади.
- 16. Ташқи электр таъминотини фойдаланишга қабул қилиш тадбиркорлик субъекти ва «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси ёки унинг худудий булинмаси томонидан, худудий электр тармоқлари корхонасининг унинг фойда-



517-модда

ланишга тайёрлиги тўгрисидаги ёзма хабарномаси олинган кундан бошлаб 3 кун мобайнида амалга оширилади.

- 17. Электр қурилмаларининг сўралаётган қуввати 10 кВт гачани ташкил қилган тақдирда ташқи электр таъминотини фойдаланишга қабул қилиш ва истеъмолчининг электр қурилмаларини фойдаланишга қабул қилишга «Ўздавэнергоназорат» инспекциясининг ёки унинг ҳудудий бўлинмасининг рухсатини олиш талаб қилинмайди.
- 18. «Ўздавэнергоназорат» инспекциясининг инспектори томонидан ташқи электр таъминотини фойдаланишга қабул қилиб олишда техник шартлардан, ташқи электр таъминоти лойихасидан, шунингдек шахарсозлик нормалари ва қоидаларидан чекинишлар аникланган тақдирда истеъмолчининг электр қурилмаларини фойдаланишга қабул қилиш учун рухсатнома аникланган чекинишлар бартараф этилгандан кейин берилади.
- 19. Ташқи электр таъминотини фойдаланишга қабул қилиш ишлари тугаллангандан кейин худудий электр тармоқлари корхонаси тадбиркорлик субъектига қуйидаги ҳужжатларни бир нусхадан беради:

техник шартлар;

ташқи электр таъминоти лойихаси;

хисобга олиш приборларини текшириш ва пломбалаш далолатномаси; курилиш-монтаж ва ишга тушириш-созлаш хужжатлари; электр таъминоти шартномаси.

V. Электр таъминоти шартномасини тузиш

- 20. Ушбу Низомнинг 17-бандида назарда тутилган холатлардан ташқари, ташқи электр таъминотидан фойдаланишга рухсатноманинг мавжудлиги электр таъминоти шартномасини тузиш ва тадбиркорлик субъектларининг электр қурилмаларини электр тармоқларига улаш учун асос хисобланади.
- 21. Электр таъминоти шартномаси худудий электр тармоклари корхонаси билан тадбиркорлик субъекти ўртасида икки нусхада, хар қайси тараф учун бир нусхадан тузилади.

VI. Якунловчи қоидалар

- 22. Фойдаланишга тайёр холда улаш ишлари ушбу Низомнинг 3-иловасига мувофик схема буйича амалга оширилади.
- 23. Электр таъминоти шартномасини тузмасдан электр энергияси етказиб беришни амалга ошириш тақиқланади.
- 24. Ушбу Низомнинг талаблари бузилишида айбдор булган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар буладилар.



40 (696)-сон — 13 — 517-модда

Тадбиркорлик субъектларини электр тармоқларига фойдаланишга тайёр ҳолда улаш тартиби тўғрисидаги низомга 1-ИЛОВА

Тадбиркорлик субъектининг техник шартлар олиш учун электр курилмасини тавсифлайдиган МАЪЛУМОТЛАР

1.	Ула	анад	циган	н қу	/вва	ат																					кЕ	Вт
2.	2. Электр қурилмаларини ўрнатиш қоидаларига пувофик электр таъминоти бўйича ишончлили з-тоифа лик тоифаси пувофик з-тоифа												кЕ кЕ кЕ	Вт														
3.	Эле	ектр	қур	ИЛМ	иас	ини	фс	йд	ала	ани	ш	га	то	ПП	шиј	ри	ш	му,	дда	ти	Ī		0	й		й	ил	
4.	Уш 1. 2. 3. 4. 5.		маъл	уме	ОТЛ	арг	ақу	уйи	да	ГИЛ	пат	у и	ло	ва	ĶΨ	Ш	Н	ДИ	:							ва ва ва	ран ран ран ран	ς ς ς
5.		бај	ен <u> </u>	тақл	цим	`	дбир ИЛГ	•																цив	ζла	йм	ан.	



517-модда — 14 — 40 (696)-сон

Тадбиркорлик субъектларини электр тармоқларига фойдаланишга тайёр холда улаш тартиби тўгрисидаги низомга 2-ИЛОВА

Худудий электр тармоқлари корхоналари томонидан ташқи электр таъминоти лойихасини тайёрлаш, шунингдек қурилиш-монтаж ва ишга тушириш-созлаш ишларини бажариш МУДДАТЛАРИ

Кучланиш	Қуввати	Муддатлари								
I. Ташқи электр таъминоти лойихасини тайёрлаш										
1 кВ гача	10 vPz po vyvzov ogravy	15 кунгача								
6 — 10 кВ	10 кВт ва ундан ортиқ	20 кунгача								
II. Қурилиш-монтаж ва ишга тушириш-созлаш ишларини бажариш										
1 кВ гача	10 D=	15 кунгача								
6 — 10 кВ	10 кВт ва ундан ортиқ	30 кунгача								

40 (696)-сон — 15 — 517-модда

Тадбиркорлик субъектларини электр тармоқларига фойдаланишга тайёр холда улаш тартиби тўгрисидаги низомга 3-ИЛОВА

Тадбиркорлик субъектларини электр тармокларига фойдаланишга тайёр холда улаш СХЕМАСИ

Субъектлар	Механизм	Муддатлар
Тадбиркорлик субъекти	Тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамо- йили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш туман (шахар) ягона марказига ариза бериш	Ариза берувчининг хоҳишига кўра
«Ягона дарча» маркази	Тадбиркорлик субъектининг аризасини зарур хуж- жатларни илова қилган ҳолда ҳудудий электр тармоқ- лари корхонасига юбориш.	Ариза қабул қилган кун мобайнида
Худудий электр тармоқлари корхонаси	Жойига борган холда электр тармоқларига улашнинг техник имкониятларини ўрганиш. Тадбиркорлик субъектининг номига расмийлаштирилган электр тармоқларига улаш бўйича шартномани «ягона дарча» марказига бериш.	Ариза тушган - кундан бошлаб 5 кун мобайнида
«Ягона дарча» маркази	Тадбиркорлик субъекти томонидан электр тармоқ- ларига улаш бўйича шартнома тузишни таъминлаш ва шартномани томонларга бир нусхадан бериш.	Шартнома олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида
Худудий электр тармоқлари корхонаси	Ташқи электр таъминоти лойихасини тайёрлаш ва уни келишиш учун «Ўздавэнергоназорат» инспекциясига ёки унинг худудий бўлинмаларига, шунингдектуман (шаҳар) архитектура ва курилиш бўлими (бошқармаси)га юбориш.	Фойдаланишга тайёр ҳолда улаш ишлари бошлангач 15 — 20 кун мобайнида
Келишиш органлари	Келишиш ёки лойихани келишишни рад этишнинг асосланган сабабларини кўрсатган холда рад этиш хабарини юбориш.	Лойиҳа тушган кундан бошлаб 5 кун мобайнида
Худудий электр тармоқлари корхонаси	Курилиш-монтаж ва ишга тушириш-созлаш ишларини бажариш. Хисобга олиш приборини ўрнатиш. Тадбиркорлик субъекти ва «Ўздавэнергоназорат» инспекциясига ёки унинг худудий бўлинмасига объектнинг фойдаланишга топширишга тайёрлиги тўгрисида хабарнома юбориш.	Қурилиш-монтаж ишлари тугаган кундан бошлаб 15 — 30 кун мобайнида
«Ўздавэнергоназорат» инспекциясининг худудий бўлинмаси	Ташқи электр таъминоти тизимини қабул қилиш ва истеъмолчининг электр қурилмасидан фойдаланишига рухсатнома бериш.	Хабарнома олган кундан бошлаб 3 кун мобайнида
Худудий электр тармоқлари корхонаси	Тадбиркорлик субъекти билан электр таъминоти шартномасини тузиш.	Объект қабул қилинган кунда

Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2015 й.



517-модда — **16**

Вазирлар Махкамасининг 2015 йил 2 октябрдаги 280-сон қарорига 2-ИЛОВА

Тадбиркорлик субъектларини газ тармоқларига фойдаланишга тайёр холда улаш тартиби тўгрисида НИЗОМ

І. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом тадбиркорлик субъектларини газ тармокларига фойдаланишга тайёр холда (кейинги ўринларда фойдаланишга тайёр холда газлаштириш деб аталади) улаш тартибини белгилайди.

Ушбу Низом талаблари:

лойиха-смета хужжатларида ташқи газ тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш ишларини амалга ошириш назарда тутилган объектларга;

хавфли ишлаб чиқариш объектларини газлаштиришга татбиқ этилмайди.

2. Фойдаланишга тайёр ҳолда газлаштириш ишларининг қуйидаги бос-қичларидан иборат булади:

фойдаланишга тайёр қолда газлаштириш буйича шартнома тузиш; техник шартларни ишлаб чиқиш;

газлаштириш лойиҳасини ишлаб чиқиш ва ваколатли органлар билан келишиш;

қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш;

газни хисобга олиш приборини ўрнатиш;

ишга тушириш-созлаш ва режим-созлаш ишларини амалга ошириш; газ етказиб бериш юзасидан шартнома тузиш.

3. Фойдаланишга тайёр холда газлаштириш ишлари газ таъминоти ташкилоти томонидан, тадбиркорлик субъекти билан тузиладиган шартнома асосида амалга оширилади.

Фойдаланишга тайёр холда газлаштириш ишларининг қиймати шартнома асосида аниқланади ва белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилган газлаштириш лойихасига биноан аниқлаштирилади.

4. Газ таъминоти ташкилоти фойдаланишта тайёр холда газлаштириш ишларини амалга ошириш жараёнида субпудрат асосида лойихалашни, курилиш-монтаж ва ишга тушириш-созлаш ишларини бажариш учун ихтисослаштирилган ташкилотларни жалб этиш хукукига эга.

II. Фойдаланишга тайёр холда газлаштириш буйича шартномани расмийлаштириш

5. Тадбиркорлик субъектлари фойдаланишга тайёр холда газлаштириш учун туман (шахар) тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили буйича давлат хизматлари курсатувчи ягона марказларга (кейинги уринлар-



да «ягона дарча» марказлари деб аталади) қонунчиликда белгиланган шакл буйича давлат хизматлари курсатиш учун ариза билан белгиланган тартибда мурожаат қиладилар.

Аризага ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шакл буйича техник шартларни олиш учун тадбиркорлик субъектининг газдан фойдаланадиган ускунасини характерловчи маълумотлар илова қилинади.

Тадбиркорлик субъектидан ушбу бандда назарда тутилмаган хужжатларни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

- 6. «Ягона дарча» маркази ариза қабул қилинган кун мобайнида уни ушбу Низомнинг 5-бандида назарда тутилган хужжатларни илова қилган холда газ таъминоти ташкилотига юборади.
- 7. Газ таъминоти ташкилоти «ягона дарча» марказидан ариза тушган кундан бошлаб 5 кун мобайнида:

тадбиркорлик субъектининг газдан фойдаланиш ускунасини газ тармокларига улашнинг техник имкониятини жойига борган холда ўрганади;

«ягона дарча» марказига тадбиркорлик субъекти номига расмийлаштирилган фойдаланишга тайёр ҳолда газлаштириш бўйича шартномани беради.

8. «Ягона дарча» маркази газ таъминоти ташкилотидан фойдаланишга тайёр холда газлаштириш бўйича шартнома олингандан кейин 5 кун мобайнида тадбиркорлик субъекти томонидан ушбу шартнома тузилишини таъминлайди ва уни шартнома тарафларига бир нусхадан такдим этади.

Тадбиркорлик субъекти курсатиб утилган муддат мобайнида «ягона дарча» марказига келмаганда ёки у фойдаланишга тайёр холда газлаштириш буйича шартнома тузишни рад этганда «ягона дарча» маркази бир кун муддатда бу турида газ таъминоти ташкилотини хабардор қилади.

- 9. Фойдаланишга тайёр холда газлаштириш буйича шартнома белгиланган тартибда тасдиқланган намунавий шартнома асосида тузилади.
- 10. Фойдаланишга тайёр холда газлаштириш буйича шартнома тузилгандан кейин тадбиркорлик субъекти (буюртмачи) газ таъминоти ташкилотига (пудратчига) шартномада курсатилган микдорда аванс туловини утказади.

Аванс тўловларининг тушиши фойдаланишга тайёр холда газлаштириш ишларини газ таъминоти ташкилоти томонидан бошлаш учун асос хисобланали.

III. Фойдаланишга тайёр холда газлаштириш ишларини ташкил этиш

- 11. Газ таъминоти ташкилоти аванс тўловлари тушган кундан бошлаб 10 кун мобайнида техник шартлар асосида газлаштириш лойихасини тайёрлайди ва уни келишиш учун туман (шахар) архитектура ва курилиш бўлими (бошқармаси)га юборади.
- 12. Туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш булими (бошқармаси) газлаштириш лойиҳаси тушган кундан бошлаб 5 кунгача булган муддатда уни келишади ёки газ таъминоти ташкилотига лойиҳани келишишнинг рад эти-



Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2015 й.



517-модда

лишини рад этишнинг асосланган сабабларини курсатган холда «ягона дарча» марказига юборади.

Газлаштириш лойиҳасини келишишни унинг мақсадга мувофиқ эмаслиги сабабларига кура рад этишга йул қуйилмайди.

Газлаштириш лойихасини келишишни рад этиш учун асос булган сабаблар газ таъминоти ташкилоти томонидан бартараф этилган такдирда лойихани ваколатли органлар томонидан такрорий куриб чикиш лойиха олинган кундан бошлаб 3 кундан ошмайдиган муддатда амалга оширилади.

Газлаштириш лойиҳасини ваколатли органлар томонидан келишиш тулов ундирилмасдан амалга оширилади.

13. Газлаштиришнинг келишилган лойихаси олингандан кейин газ таъминоти ташкилоти қурилиш-монтаж ишларини бажаришга киришади.

Курилиш-монтаж ишларини бажариш шартномада назарда тутилган муддатларда амалга оширилади.

14. Қурилиш-монтаж ишлари тугагач газ таъминоти ташкилоти газни хисобга олиш приборини ўрнатади.

IV. Ишга тушириш-созлаш ва режим-созлаш ишларини амалга ошириш ҳамда газ етказиб бериш юзасидан шартнома тузиш

- 15. Газ таъминоти ташкилоти қурилиш-монтаж ишлари тугаган кундан бошлаб 5 кун мобайнида ишга тушириш-созлаш ва режим-созлаш ишларини ташкил қилади.
- 16. Газ қувурларида ва улардаги ускунада, янгидан қурилган, реконструкция қилинган ёки техник жихатдан қайта жихозланган газдан фойдаланиш ускунасида газ қувурларини ва газ хўжалигининг газ истеъмол қилувчи бошқа объектларини монтаж қилишга, таъмирлашга, ишга туширишга ва улардан фойдаланишга «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекциясининг рухсатномасига эга бўлган созлаш ташкилотлари томонидан бажариладиган ишга тушириш-созлаш ишлари амалга оширилиши керак.
- 17. Газдан фойдаланиш ускунасини ишга тушириш-созлаш ва режим-созлаш ишларининг тугалланиши тегишли далолатномалар билан расмийлаштирилади.

Ишларнинг натижалари буйича техник хисобот тузилади, унда газдан фойдаланувчи ускунанинг турли иш режимларида газдан окилона фойдаланишга, приборларни хамда хавфсизлик автоматикаси воситаларини созлашта, ёкилгини ёкиш жараёнларини, иссикликни утилизация килиш ва ёрдамчи ускуналарга ва бугкозонлар учун сув тайёрлаш тизимлари ускуналарини автоматик бошкаришга таъсир курсатадиган барча энергия самарадорлиги курсаткичлари акс эттирилади.

18. Бажарилган ишларнинг натижалари асосида созлаш ташкилоти тадбиркорлик субъекти томонидан тасдиқланадиган режим (технология) хариталарини беради.



- 19. Ишга тушириш-созлаш, режим-созлаш ишлари тугаллангач газ таъминоти ташкилоти бажарилган ишлар далолатномасини 3 кун мобайнида тузади ва уни бажарилган ишларни қабул қилиш учун тадбиркорлик субъектига юборади.
- 20. Қабул қилиш ишлари тугаллангандан кейин газ таъминоти ташкилоти тадбиркорлик субъектига қуйидаги хужжатларни бир нусхадан беради:

техник шартлар;

газлаштириш лойихаси;

газни хисобга олиш приборини текшириш ва пломбалаш далолатномаси;

курилиш-монтаж ва ишга тушириш-созлаш хужжатлари;

газ етказиб бериш юзасидан шартнома.

21. Газ етказиб бериш юзасидан шартнома газ таъминоти ташкилоти билан тадбиркорлик субъекти ўртасида икки нусхада, ҳар ҳайси тараф учун бир нусхадан тузилади.

V. Якунловчи қоидалар

- 22. Фойдаланишга тайёр ҳолда газлаштириш ишлари ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.
- 23. Газ етказиб бериш юзасидан шартнома тузмасдан газ етказиб беришни амалга ошириш тақиқланади.
- 24. Ушбу Низомнинг талаблари бузилишида айбдор булган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар буладилар.



517-модда — 20 — 40 (696)-сон

Тадбиркорлик субъектларини газ тармоқларига фойдаланишга тайёр холда улаш тартиби тўгрисидаги низомга 1-ИЛОВА

Техник шартларни олиш учун тадбиркорлик субъектининг газдан фойдаланиш ускунасини тавсифлайдиган МАЪЛУМОТЛАР

1.	Χį	100	бла	нга	н н	ζув	ват	ги																					M ³
2.	2. Газдан фойдаланиш даври																												
3.			_	ой, иш				-	ску	тас	син	ни (фоі	йда	ала	ни	ШГ	a								О	й		йил
4.	Уп	цбу	ма	аъл	VM	отл	ap	га	куì	йид	агі	ила	ap i	1ЛС	ва	ки	ли	над	(и:										
	1. 2. 3. 4. 5.																												варақ варақ варақ варақ варақ
5.	5. Мен																												
		ба	рча	а та	қд	им	ЭТ	иЛІ	ган	ма	ъл	ум	OTJ	тар	ни	ΗГ	иш	ЮН	члі	или	ΙГИ	ни	та	сди	1ҚЛ	ай	ма	н.	
																								(1	имзс)			

WWW.LEX.UZ

40 (696)-сон — 21 —

Тадбиркорлик субъектларини газ тармоқларига фойдаланишга тайёр холда улаш тартиби тўгрисидаги низомга 2-ИЛОВА

517-модда

Тадбиркорлик субъектларини газ тармокларига фойдаланишга тайёр холда улаш СХЕМАСИ

Субъектлар	Механизм	Муддатлар
Тадбиркорлик субъекти	Тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш туман (шаҳар) ягона марказига ариза бериш	Ариза берувчининг хоҳишига кўра
«Ягона дарча» маркази	Тадбиркорлик субъектининг аризасини зарур хужжатларни илова қилган холда туман (шаҳар) газ таъминоти ташкилотига юбориш.	Ариза қабул қилган кун мобайнида
Газ таъминоти ташкилоти	1. Жойига борган ҳолда газ тармоқларига улашнинг техник имкониятларини ўрганиш. 2. Тадбиркорлик субъектининг номига расмийлаштирилган объектни газлаштириш бўйича шартномани «ягона дарча» марказига бериш.	Ариза тушган - кундан бошлаб 5 кун мобайнида
«Ягона дарча» маркази	Тадбиркорлик субъекти томонидан объектни газ- лаштириш бўйича шартнома тузишни таъминлаш ва шартномани томонларга бир нусхадан бериш.	5 кун мобайнида
Газ таъминоти ташкилоти	Техник шартлар асосида газлаштириш лойихасини тайёрлаш ва уни келишиш учун туман (шахар) архитектура ва курилиш бўлими (бошқармаси)га юбориш.	Фойдаланишга тайёр ҳолда улаш ишлари бошлангач 10 кун мобайнида
Туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бўлими (бошқармаси)	Келишиш ёки лойиҳани келишишни рад этишнинг асосланган сабабларини кўрсатган ҳолда рад этиш хабарини юбориш.	Лойиҳа тушган кундан бошлаб 5 кун мобайнида
Газ таъминоти ташкилоти	1. Қурилиш-монтаж ишларини бажариш. 2. Газни ҳисобга олиш приборини ўрнатиш.	Шартномага асосан
Ихтисослаштирилган ташкилот	Газдан фойдаланиш ускуналарида ишга тушириш- созлаш ва режим-созлаш ишларини амалга ошириш.	Курилиш-монтаж ишлари тугагач 5 кун мобайнида
Газ таъминоти ташкилоти	Бажарилган ишлар далолатномасини тузиш ва объектни тадбиркорлик субъектига топшириш. Тадбиркорлик субъекти билан газ етказиб беришга шартнома тузиш.	Ишга тушириш- созлаш ва режим- созлаш ишлари туга- гач 2 кун мобайнида Объектни қабул қилинган кунда

. Узбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.

